

ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РОЛИ ВА АХАМИЯТИ

Улужбеков Зикриллох Санжарбек ўгли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
3 ўқув курс 310 гуруҳ курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада мавзунинг долзарблиги, ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг оммавий тадбирларини ўтказиш жараёнидаги вазифалари ва роли, ушбу вазифаларни амалга ошириш давомида юзага келиши мумкин бўлган муаммоли ҳолатларни, оммавий тадбирлар давомида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ушбу ҳуқуқбузарликларни олдини олиш жараёнида жамоатчилик иштироки, юқорида келтириб ўтилганлардан фойдаланган ҳолда ушбу фаолияти самарадорлигини такомиллаштириш йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: оммавий тадбир, жамоат тартиби, криминоген вазият, хамкорлик, рухсатнома,

Аннотация: В ходе беседы стороны выразили удовлетворение развитием сотрудничества между Таджикистаном и Китаем, а также охраной деятельности органов профилактического надзора. о. джараенида джамоатчилик участие, юкорид келтириб узилганлардан фойдаланган холда ушбу самарадорлигическая деятельность по самосовершенствованию.

Ключевые слова: Публичное мероприятие, общественный порядок, криминогенная ситуация, концентрация, разрешение,

Annotation: During the conversation, the parties expressed satisfaction with the development of cooperation between Tajikistan and China, as well as the protection of the activities of preventive supervision bodies. o. jaraenida jamoatchilik participation, yukorid keltirib uzilganlardan foidalangan hold ushbu samaradorligical self-improvement activities.

Keywords: Public Event, public order, criminogenic situation, concentration, permit.

Оммавий тадбир – 100 ва ундан ортиқ кишиларнинг ижтимоий – сиёсий (анжуманлар, конференциялар, съездлар ва бошқалар) маданий-оммавий, кўнгилочар-томоша дастурлари (муסיкий, адабий ва бошқа фестиваллар, концерт, театр, спорт, реклама тадбирлари, халқ сайиллари, цирк, миллий намоишлар ва ўйинлар, кўрик танлов ва бошқалар), шунингдек, умумхалқ, диний, касб байрамларини ўтказиш мақсадида оммавий тадбирларни ўтказиш объектида ташкил қилинадиган фуқароларнинг биргаликда

қатнашишлари оммавий тадбир ҳисобланади.

Оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида турли ножўя ҳолатлар ва кўнгилсиз вазиятлар содир бўлмаслигини таъминлаш учун оммавий тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш тартибини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш мақсадга мувофиқ саналади.

Ҳар бир оммавий тадбир ташкил этилиши ва ўтказилиши учун маълум ҳудуд ва объект зарур бўлади ва унинг ҳам ўзига хос ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд бўлади. Оммавий тадбирни ўтказиш учун рухсатнома (кейинги ўринларда рухсатнома деб аталади) асосида, оммавий тадбир дастурига мувофиқ оммавий тадбирнинг ташкилотчиси томонидан ўтказилади.

Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гуруҳлари) томонидан ўтказиладиган томоша тадбирларида жамоат тартиби ва ёнғин хавфсизлигини тўлов ундирилмаган ҳолда таъминлайди.

Сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирларда уларнинг ўтказилиш жойи ва вақти ҳақида сайловолди ташвиқотини олиб борувчи субъект томонидан тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларини камида уч кун олдин ёзма равишда хабардор қилган ҳолда ўтказилади. Бунда, ушбу оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома талаб қилинмайди.

Оммавий тадбирларни ўтказиш жараёнида профилактика(катта) инспекторларининг зиммасига юклатилган бир қатор вазифаларни бажарилиши устидан юқори турувчи орган раҳбари назорат қилади.

Профилактика инспектори ушбу жараёнда ўзи хизмат олиб бораётган ҳудуднинг крименоген вазияти ва жинойтчилик билан боғлиқ юзага келган ҳамда келиши мумкин бўлган ҳолат ва вазият бўйича тегишли тартибда барча соҳавий хизматларни ҳамда ўзидан юқори турувчи раҳбарларини хабардор қилиши лозим

Оммавий тадбирларни ўтказиш жараёнида ички ва ташқи ҳамкорликни самарали ташкил етишда Профилактика Инспекторларининг ўрни бекиёс. Қолаверса оммавий тадбирлар ўтказилиши режалаштирилаётган маъмурий ҳудуд ва ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли бўйича етарли маълумотларга ега бўлган ва бевосита ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашга комплекс ёндашиш принциpidан келиб чиққан ҳолда ҳамкорликни йўлга қўйиш Профилактика инспектори фаолиятининг асосий қисмидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни.

3. [http:// lex.uz](http://lex.uz) (Национальная база законодательства Республики Узбекистан)
4. Jinoyat huquqi Maxsus qism darslik M.X.Rustambayev Toshkent 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ўуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ўуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори// URL: [http://www.lex.uz.](http://www.lex.uz;);